

# ПРОПАН ГАЗ СУЮҚЛИГИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТҮГРИСИДА

## ШАРТНОМА № 3

2022 йил «07» январь

Коракүл шахри

“Мехр” МЧЖ (ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ю.Бекмуродов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Коракул давлат ўрмон хўжалиги (корхона, ташкilot, муассаса номи), (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Э.Тошев (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Таъминотчи» «Истеъмолчи»га пропан газ суюклигини бўйича 2022 йилга ажратилган ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги хўжаликни бюджет сметасида ажратилган маблағлари хисобига амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси **5 600 000 сўм** (беш миллион олти юз минг) сўмни ташкил килади. Шартноманинг суммаси пропан газини етказиб бериш нархлари, пропан газ суюклигини ташиб билан боғлик темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки газ суюклиги таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб чиқилади.

### 2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1.Газ суюклиги «Истеъмолчи»га ажратилган ресурс доирасида, «Истеъмолчи» тақсимотига кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёкилги қуиши шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (кераклисни ости чизиб кўйилсин) етказиб берилади.

2.3.«Истеъмолчи» газ суюклигини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишида газ суюклигини ташиб кетишига кўйиладиган барча талабларга риоя килишни ўз зиммасига олади.

2.4.«Таъминотчи» омборига махсулот қуиши учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот қуишига киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун килинган харажатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5.Газ суюклиги қуилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиши ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник хужожатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Газ суюклиги «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт хужожатларида транспорт хизматининг ҳақи хам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» махсулот йўклиги сабабли махсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай колган махсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт Агарда махсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

### 3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2.«Истеъмолчи» олаётган пропан газ суюклиги учун ҳар ой олдиндан тulos:

- пропан учун 100 фоиз;

-дизел ёкилгиси учун 100 фоиз миқдорида 2022 йил 31 марта амалга оширилади.

3.3.”Истеъмолчи” томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, харажатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.4.«Таъминотчи» газ суюклигини «Истеъмолчи»га махсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йул харажатлари хисобга олинади.

3.5.газ суюклигининг нархи, темир йул харажатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишили ўзгартиришлар киритилади.

### 4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Газ суюклигининг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмолчи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан қабул килиб олиш тартиби тўғрисида